

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2020 йил октябрь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида раислик қилувчи судья [REDACTED] суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси [REDACTED], тарафлардан давлат айбловчиси [REDACTED] туман прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “ [REDACTED] ” адвокатлик фирмаси адвокати [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан 1-1118-2002/163-сонли ишни кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1989 йил 16 апрель куни [REDACTED] вилояти [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” маҳалласи, [REDACTED] кўчаси, 53-уйда яшовчи, унга нисбатан “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг қонуний вакилини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], 2020 йил 13 июнь куни соат 06:55 ларда [REDACTED] тегишли давлат рақами белгиси [REDACTED] X 729 SA бўлган, “Спарк” русумли транспорт воситасини ишончнома асосида М-34 “ [REDACTED] - [REDACTED] ” Ҳалқаро автомобиль йўли орқали, [REDACTED] тумани томондан [REDACTED] шаҳри томон бошқариб, кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”ни кўйдаги банди яъни, 77-банди 3-қисм талабларини қўпол равишда бузган, яъни;

- транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши лозим;

- ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда, транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак;

- транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак;



- ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган ҳавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун ҳавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак деб ўтилган бўлсада, [REDACTED] жиноий бепарволик билан ушбу йўлнинг ўзига нисбатан ўнг томондан чап томонга қараб бошқариб ўтаётган, [REDACTED] бошқарувида бўлган, велосипедни ўрта қисмига бориб урилиб тўкнашув содир этган.

Натижада [REDACTED] олган турли хилдаги оғир тан жароҳатлари билан [REDACTED] тумани марказий тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган, бироқ [REDACTED] оғир тан жароҳатлари билан касалхонада ўзига келмай вафот этган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2020 йил 25 август кундаги 207-М-С сонли хулосасига кўра, марҳум [REDACTED] оғир очик, бош мия жароҳати аниқланганлиги, ушбу тан жароҳатлари велосипед йўловчисининг автотранспорт воситаси билан тўкнашув натижасида вужудга келган бўлиши мумкинлиги, ушбу тан жароҳатлари “Ҳаёт учун ҳавфли бўлган оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Суд-трасология экспертизасининг 2020 йил 1 июлдаги 359-сонли хулосасига кўра, тўкнашувнинг даслабки вақтида “Спарк” русумли автомашинасининг олд чап қисмининг рамаси қора рангли велосипеднинг чап орқа қисмига теккан ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 90+_5 даража атрофида бўлганлиги кўрсатилган.

Суд-автотехника экспертизасининг 2020 йил 15 сентябрдаги 56-сонли хулосасига кўра, велосипедчи ҳавфни юзага келтириб, ЙТХга қадар 9,8 метр масофани 4,78 сония давомида ҳаракатланишини бошлангандан ҳайдовчи 70 км/соат тезликдаги “Спарк” автомобилинини ўз вақтида тормозлаш йўли билан ходисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб қуйидагиларни, яъни у 2020 йил 13 июнь куни соат 06:55 ларда, ўзини бошқарувида бўлган “Спарк” русумли транспорт воситасида, [REDACTED] тумани, “[REDACTED]” қ.ф.й ҳудудидан тезлиги 70-72 км/соат тезликда ўз йўналишида ҳаракатланиб келганлигини, олдида ўнг томонда 25-30 метрлар узоқликда “Камаз” русумли юк машинаси кетаётган бўлганлигини, Янгийўл тумани, “[REDACTED]” қ.ф.й, [REDACTED] кўчаси билан туташган жойига келганида, “[REDACTED]” автомашинасини орқа қисмидан йўлни ўрта қисмига М.[REDACTED] велосипедни бошқариб чиқиб келганлигини, у тезлик билан автомашинасини тормозини босганлигини, автомашинаси сурилиб келиб, М.[REDACTED] бошқарувида бўлган велосипедини орқа балон қисмидан уриб юбориб тўхтаганлигини, М.[REDACTED] гавдаси билан автомашинани олди ойна қисмига келиб урилиб, 5-6 метр узоқликка учиб асфалтга тушганлигини, у М.[REDACTED] автомашинасига солиб, биринчи ёрдам кўрсатиш учун [REDACTED] тез тиббий бўлимига олиб борганлигини, М.[REDACTED] оиласига имкон қадар ёрдам берганлигини, марҳумнинг қонуний вакилини унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан енгилроқ



жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили С. [] суд мажлисида қуйидагиларни, яъни у 2020 йил 12 июнь куни отаси мархум М. [] уйдан чиқиб, [] тумани, “ []” қ.ф.й.да жойлашган боғда қоровуллик қилиш учун кетганлигини, эртаси куни соат 08:00 ларда уйда ишлаб юрган вақтида, унга шифохонадан телефон қилиб, отасини автомашина уриб юборганлигини, отаси [] туман марказий шифохонасини жонлантириш бўлимида ётганлигини айтганлигини, у касалхонага борган вақтида, отаси хушсиз ҳолда ётганлигини кўрганлигини, отаси М. [] 20 кун касалхонада даволаниб ётган вақтда У. [] отасига керакли бўлган, дори-дармонларни ҳаммасини олиб келиб берганлигини, 2020 йил 25 июль куни отаси касалхонада вафот этганлигини, У. [] отасини дафн маросимларни ўтказишга ёрдам берганлигини, ҳозирда У. [] томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар қоплаб берилганлигини, У. [] уйидагилари уларга ёрдам кўрсатишганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ С. [] суд мажлисида қуйидагиларни, яъни у, 2020 йил 13 июнь куни соат 06:00 ларда ўғли У. [] ўзига тегишли бўлган “Спарк” русумли автомашинасини бошқариб, [] шаҳрига кира қилишлик учун кетганлигини, соат 07:00 ларда ўғли У. [] унга телефон қилиб, унга йўлда автомашинаси билан М. [] уриб юборганлигини айтганлигини, М. [] оиласига имкон қадар ёрдам берганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи У. [] айби жиноят ишида тўпланган дастлабки тергов даврида тузилган йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойни кўздан кечириш баённомаси, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойни чизмаси ва маълумотномаси, тушунтириш хати, суд тиббий ҳамда суд автотехник экспертизаси хулосалари, нарсани ашёвий далил деб топиш қарори ҳамда иш материалларида мавжуд бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Суд У. [] жиний ҳаракатларига юридик баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди:

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У. [] *“транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузилиши М. [] ўлимига сабаб бўлиши”* аломатлари билан боғлиқ жиний ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У. [] жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қонуний вакилнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони ЖК 55-моддасига кўра енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни топмади.



Суд У. [REDACTED] жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини айбига иқrorлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қонуний вакилнинг даъвоси йўқлигини, муқаддам судланмаганлигини ҳисобга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган модда санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, шунингдек унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасини қўллаб, тайинланаётган озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартли деб ҳисоблаб, синов муддати белгилашни лозим топади.

Шунингдек суд манфаатдор тарафларга жиноят натижасида етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириб ўтишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462,463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] ([REDACTED] [REDACTED] [REDACTED])
Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасини қўллаб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Судланувчи [REDACTED] яшаш жойи ўзгарса, бу ҳақида унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органларга хабар бериб туриш ва вақти-вақти билан келиб, назорат олиб боровчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклатилсин, унга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 6,8-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчининг хулқи устидан назорат олиб бориш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги



██████████ вилояти ██████████ туман ички ишлар органи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи ██████████ нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Манфаатдор томонларга жиноят натижасида етказилган маънавий зарар бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида мазкур суд орқали жиноят ишлари бўйича ██████████ вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида жиноят ишлари бўйича ██████████ вилоят судининг кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

/имзо/

██████████

Нусхаси аслига тўғри:

